

«Ўзстандарт» агентлигининг  
2021 йил «29» январь  
ТР-21 сонли қарорига илова

## Донни қайта ишлаш маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги

### МАХСУС ТЕХНИК РЕГЛАМЕНТ

#### I боб. Умумий қоидалар

##### 1-§. Мақсади ва қўллаш доираси

1. Мазкур Maxsus техник регламент (кейинчалик – Техник регламент) шу техник регламентнинг 1-иловасида келтирилган рўйхат бўйича озиқ-овқат мақсадларига мўлжалланган донни қайта ишлаш маҳсулотларининг хавфсизлигига қўйилган талабларни ўрнатади.

2. Мазкур Техник регламент талаблари болалар овқатланиши учун мўлжалланган донни қайта ишлаш маҳсулотларига тааллуқли эмас.

##### 2-§. Атамалар ва таърифлар

3. Мазкур техник регламентда қуидаги атамалар ва уларнинг таърифларидан фойдаланилган:

**ВМА билан бойитилган ун** – ун ишлаб чиқариш жараёнида витамин-минерал аралашма билан бойитилган олий ва биринчи навли новвойлик буғдой уни;

**генетик модификацияланган (трансген) организмлар (ГМО)** - генетик муҳандислик усусларини қўллаб олинган организмлар;

**донга гидротермик ишлов бериш** – доннинг хоссаларини мақсадли ўзгартириш учун, унга сув ва иссиқлик билан ишлов бериш;

**донни қайта ишлаш маҳсулотлари** – озиқ-овқат донини қайта ишлаш орқали олинадиган маҳсулотлар;

**донни қайта ишлаш маҳсулотларининг тамғаси** – идентификацияни таъминлаш ва истеъмолчиларга ахборот бериш учун қадоққа, этикеткага (ёрлик, қўшимча варақа, контрэтикеткага) ва/ёки кузатувчи ҳужжатларга ёзувлар, рақамлар ва шартли белгилар кўринишида босиладиган маълумот;

**донни қайта ишлаш маҳсулотларининг хавфсизлиги** - маҳсулотнинг ҳолати, уни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш, муомалага чиқариш ва утилизация жараёнларининг ҳолати бўлиб, бунда инсон соғлигига, ҳаётига, ҳуқуқий, жисмоний шахслар ва давлат молмулкига, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг ҳаёти ва соғлигига, атроф мухит муҳофазасига зарар етказилиши эҳтимоли билан боғлиқ бўлган йўл қўйилмайдиган хавф мавжуд бўйлайди;

**ёрлик** – қадоққа бириктириладиган, тамға босиш учун мўлжалланган маълумот ташувчи восита;

**ёрма** – турли хил озиқ-овқат экинлари донини қайта ишлаш маҳсулотлари (буғдой, тариқ, гуруч, арпа, маккажўхори, горох, маржумак, жўхори, сули);

**заараркунандалар билан заарарланганлик** – маҳсулотда тирик заараркунандалар – ҳашаротлар ёки каналарнинг мавжудлиги;

**зааркунандалар билан ифлосланганлик** – маҳсулотда ўлик зааркунандаларнинг, уларнинг қисмлари хамда уларнинг ҳаёт маҳсулотларининг мавжудлиги;

**заарсизлантириш** – зааркунандалар, касалликларни қўзғатувчилар, ҳашаротлар, кемирувчиларни физик-механик, кимёвий, биологик усувлар ёрдамида йўқотиш;

**истеъмол қадоғи** – донни қайта ишлаш маҳсулотларини бирламчи қадоқлаш ва охирги истеъмолчига сотиш учун мўлжалланган қадоқ. Донни қайта ишлаш маҳсулотлари билан контактда бўладиган қадоқни бирламчи қадоқ деб аташга йўл қўйилади;

**истеъмолчи** – ўзининг шахсий истеъмоли учун ёки фойда қилиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадлар учун донни қайта ишлаш маҳсулотларини харид қилувчи, буюртма берувчи ёхуд харид қилиш ёки буюртма бериш нияти бўлган жисмоний шахс;

**ишлаб чиқариш назорати** – жисмоний ва юридик шахслар томонидан санитария қоидалари ва гигиена меъёрларига риоя қилиш бўйича чора-тадбирлар комплекси, шунингдек маҳсулотнинг хавфсизлигини таъминлашга ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ифлосланиш хавфини камайтиришга қаратилган профилактик чора-тадбирларнинг бажарилиши;

**ишлаб чиқарувчи** – ташкилий, хуқуқий шаклидан қатъий назар харидорларга (истеъмолчиларга) реализация қилиш учун донни қайта ишлаш маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўз номидан амалга оширувчи ва донни қайта ишлаш маҳсулотларининг мазкур Техник регламент талабларига мувофиқлиги учун маъсул бўлган ташкилот ёки хусусий тадбиркор, шу билан бир қаторда чет элликлар ҳам;

**картошка касаллиги** – аэроб спорали бактериялар томонидан қўзғатиладиган ва ноннинг юмшоқ қисмида ўзига хос ёқимсиз ҳид ва (ёки) ёпишқоқ ипларнинг мавжуд бўлиши билан тавсифланувчи касаллик;

**магнитли сепарация** – дондан металломагнит аралашмаларни ажратиш жараёни (усули);

**металломагнит аралашма** – магнитга тортилиш хусусиятига эга бўлган аралашма;

**микронутриентлар** - инсон организмининг нормал ўсиши ва ривожланиши учун зарур бўлган, ўринини бошқа нарса боса олмайдиган озиқ-овқат моддалари (витаминлар ва минерал моддалар);

**оқлаш, силлиқлаш жараёни** – мағзи билан қўшилиб ўсган гул қобиқларини, мева қобиқлари ва алейрон қатламини ажратиб олиш;

**парчалар** – озиқ-овқат донини яссилаш натижасида олинадиган донни қайта ишлаш маҳсулоти;

**реализация қилиш** – олди-сотди, айирбошлиш шартномаларини расмийлаштириш йўли билан ва ҳақини тўлаш асосида бевосита ўтказишнинг бошқа шакллари билан хусусий мулк эгасининг ўзгариши;

**сақлаш шароити** – донни қайта ишлаш маҳсулотларининг ўзига хос органолептиқ, физик-кимёвий хоссалари ва хавфсизлик кўрсаткичларининг яхши сақланишини таъминлаш учун зарур бўлган атроф муҳитнинг энг мақбул параметрлари (харорат, ҳавонинг нисбий намлиги, ёруғлик режими ва б.) ва улар билан муомала қилиш қоидалари (зааркунандалар, ҳашаротлар, кемирувчилар туфайли бузилишидан сақлаш чоралари; қадоқларнинг бутлигини сақлаш чоралари ва бошқалар);

**сепарациялаш жараёнлари** – дондан узунлиги, эни ва аэродинамик хоссалари бўйича фарқ қиласидиган аралашмаларни ажратиш усувлари;

**сигим** - дон ва уни қайта ишлаш маҳсулотларини сақлаш учун бункер ёки силос;

**транспорт қадоги** – мустақил транспорт бирлигидан иборат бўлган, донни қайта ишлаш маҳсулотларини кўчиришда шикастланишидан ҳимоя қилиш мақсадида сақлаш ва транспортда ташиш учун мўлжалланган қадоқ;

**ун** – турли хил озиқ-овқат экинларининг донини майдалаш натижасида олинадиган озиқ-овқат маҳсулоти (буғдой, маккажўхори, жавдар, гуруч, арпа, сули, маржумак, горох унлари);

**утилизация** – мазкур Техник регламент талабларига номувофиқ бўлган донни қайта ишлаш маҳсулотларини, улардан одатдагича фойдаланишидан ва мўлжалланишидан фарқ қилувчи бошқа мақсадларда ишлатиш; ёхуд мазкур техник талабларга номувофиқ бўлган донни қайта ишлаш маҳсулотларини, улардан ҳар қандай фойдаланиш ва қўллашга яроқсиз ҳолга келтириш, шу билан бирга инсонлар, ҳайвонлар, ўсимликлар ва атроф-муҳитга номаъқул таъсирини истисно этувчи ҳолатга келтириш;

**хавф** – фуқороларнинг ҳаёти ёки соғлигига, жисмоний, юридик шахсларнинг мол-мулкига ва атроф-муҳитга зарар келтириш эҳтимоли;

**харидор** – донни қайта ишлаш маҳсулотини ҳар қандай мақсадларда фойдаланиш учун қўлга киритувчи юридик ёки жисмоний шахс, шу жумладан истеъмолчи ҳам;

**этикетка** – маҳсулотнинг ўзида, қўшимча варақада ёки қадоқ бирлигига бириктириладиган ёки илова қилинадиган ёрлиқда кўрсатиладиган, қадоқланган маҳсулот ва унинг ишлаб чиқарувчиси тўғрисидаги маълумот воситаси. Дон ҳақида қўшимча маълумотларга эга бўлган ва асосий этикетканинг қарама-қарши томонида жойлашган этикетка **контрэтиктка** деб аталади;

**яроқлилик муддати** – донни қайта ишлаш маҳсулотларини сақлаш, транспортда ташиш ва сотиш давомида хавфсизлик меъёрлари ва қоидаларига риоя қилинган ҳолда, уларнинг фойдаланишга яроқли бўладиган вақт даври бўлиб, бу муддат тугагандан сўнг, маҳсулотлар инсон ҳаёти ва соғлиги учун ҳавфли бўлиши мумкин;

**қадоқ** – донни қайта ишлаш маҳсулотларини жойлаштириш, ҳимоя қилиш, қўчириш, етказиб бериш, сақлаш, транспортда ташиш ва намойиш қилиш учун мўлжалланган, ишлаб чиқарувчи, харидор ёки истеъмолчи, шунингдек бошқа воситачи томонидан фойдаланиладиган маҳсулот;

**қадоқлаш бўлими (тайёр маҳсулот бўлими)** – донни қайта ишлаш маҳсулотларини шакллантириш ва уларни транспорт, истеъмол идишларига қадоқлаш ёки идишсиз жўнатишни амалга оширувчи бўлим;

**қўшимча варақа** – тамға босиладиган ва истеъмолчи қадоғига ва (ёки) транспорт қадоғига солинадиган ёхуд истеъмолчи қадоғига ва (ёки) транспорт қадоғига илова қилинадиган маълумот етказувчи варақа;

### **3-§. Донни қайта ишлаш маҳсулотларини идентификациялаш**

4. Донни қайта ишлаш маҳсулотларини идентификациялаш донни аниқлаштириш ва уларни баҳолаш ва мазкур Техник регламент талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш вақтида уларни муайян тури, нави, рақами ёки маркасига киритиш мақсадида, шунингдек истеъмолчи учун маҳсулот тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлмаган ёки тўлиқ бўлмаган ҳолларда ўтказилади.

5. Донни қайта ишлаш маҳсулотларини идентификациялаш кузатувчи хужжатларда кўрсатилган маълумотлар асосида, тамғаси бўйича ва мазкур Техник регламентнинг I боб 2-параграфидаги таърифларда берилган белгиларни ҳисобга олган ҳолда, визуал кўриб чиқиши бўйича амалга оширилади.

6. Агар кузатувчи хужжатларда кўрсатилган маълумотлар асосида, тамғаси ва визуал кўриб чиқиши бўйича донни қайта ишлаш маҳсулотларини идентификациялашнинг имконияти бўлмаса, стандартлаштириш бўйича меъёрий хужжатларда ўрнатилган донни

қайта ишлаш маҳсулотларининг физик-кимёвий кўрсаткичларини аниқлаш йўли билан идентификациялашни ўтказишга рухсат этилади.

## **II боб. Донни қайта ишлаш маҳсулотлариға қўйиладиган хавфсизлик талаблари**

### **1-§. Доннинг хавфсизлик талаблари**

7. Озиқ-овқат мақсадлари учун мўлжалланган дон “Дон хавфсизлиги тўғрисида”ги Умумий техник регламент талабларига мувофиқ бўлиши керак.

### **2-§. Донни қайта ишлаш маҳсулотлариға қўйиладиган гигиеник талаблар**

8. Токсик элементлар, микотоксинлар, пестициidlар, радионуклиidlар, зааркунандалар билан зааррланганлик ва ифлосланганлик, заарли, минерал ва металломагнит аралашмалар, намлик ва уннинг нонда “картошка касаллиги”ни кўзгатувчиси билан зааррланганлиги ва микробиологик кўрсаткичлари мазкур Техник регламентнинг 2, 3, 4, 5, 6-иловаларида кўрсатилган йўл қўйиладиган даражалардан ошмаслиги керак.

9. Витамин-минерал аралашмалар билан бойитилган олий ва биринчи навли новвойлик буғдой унидаги микронутриентларнинг миқдори мазкур Техник регламентнинг 7-иловасида ўрнатилган меъёрларга мувофиқ бўлиши керак.

10. Донни қайта ишлаш маҳсулотларида ГМО миқдори маҳсулот ҳажмининг 0,9% дан ортиқ бўлишига йўл қўйилмайди. ГМО миқдори текширилиши лозим бўлган маҳсулотларнинг рўйхати 8-иловада берилган..

11. Ун маҳсулотларида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан рухсат этилган озиқ-овқат қўшимчаларини қўллашга рухсат этилади.

Донни қайта ишлаш маҳсулотларида озиқ-овқат қўшимчаларини қўллаш ва уларни киритиш миқдорининг рухсат этилган даражалари озиқ-овқат қўшимчаларини ишлаб чиқариш, айланмаси ва меъёрлаштиришга бўлган гигиеник талабларда ўрнатилган талабларга мувофиқ бўлиши керак.

## **III-боб. Донни қайта ишлаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиб, реализация ва утилизация қилиш жараёнларига қўйиладиган талаблар**

### **1-§. Бинолар, иншоотлар, хоналар ва жиҳозларга қўйиладиган талаблар**

12. Донни қайта ишлаш маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ишлаб чиқариш бинолари, иншоотлари, жиҳозлари ва худудларини эксплуатация қилишда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ёнгин, санитария-эпидемиология ва экология хавфсизлигини таъминлаши керак.

13. Саноат обеъктини лойиҳалаштириш, қуриш ва эксплуатацияга топширишга қўйилган саноат хавфсизлиги талаблари Ўзбекистон Республикасининг “Хавфли ишлаб чиқариш обьектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”ги қонунига мувофиқ бўлиши керак.

14. Корхоналарни режалаштириш, лойиҳалаштириш, қурилиши, техниковий ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва уларни ишга туширишга бўлган санитария-эпидемиология талаблари қонунчиликда ўрнатилган тартибда қабул қилинган санитария меъёрлари ва қоидаларида ўрнатилган талабларга жавоб бериши керак.

15. Ун-ёрма маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналарининг ишлаб чиқариш бинолари ишчи зоналаридаги ҳаво мұхитининг санитария –эпидемиология шароитлари қонунчилиқда ўрнатилған тартибда қабул қилинган санитария меъёрлари ва қоидалари талабларига жавоб берши керак.

16. Ун-ёрма маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналари экологик ифлосланган худудлардан ва озик-овқат маҳсулотларининг ифлосланиш хавфи юқори бўлган саноат ишлаб чиқаришларидан узокроқда жойлашиши керак.

17. Тегирмон, ёрма цехларининг қадоқлаш бўлимлари (тайёр маҳсулот бўлимлари) ва майда қадоқлаш (расфасовка) цехлари бошқа ишлаб чиқариш ва омборхоналар биноларидан изоляция қилинган бўлиши керак.

18. Корхоналарда ишлаб чиқариш ва ёрдамчи цехлар, бўлимлар, омборхона биноларининг планировкаси технологик жараёнларнинг кетма-кетлигини, хом ашё ва маҳсулотнинг санитария-эпидемиология назоратини ўтказиш имкониятини таъминлаши керак.

19. Ун-ёрма саноати учун жиҳозлар: санитария-эпидемиология назорати органлари қўллаш учун рухсат этган материаллардан тайёрланган бўлиши керак; хавфсиз маҳсулотни ишлаб чиқаришни (тайёрлашни) таъминлаши керак; ўрнатилған талабларга мувофиқликни тасдиқлашга эга бўлиши керак.

20. Маҳсулот билан контактда бўладиган зоналарда қўлланиладиган конструкцион материаллар коррозияга чидамли, маҳсулотни ифлослантирувчи аралашмалар ҳосил қимаслиги ёки унинг хавфсизлигига таъсир кўрсатмаслиги, хом ашё ва тайёр маҳсулотга мойлаш материалларининг тушиш эҳтимолини истисно этиши керак.

## **2-§. Ишлаб чиқариш жараёнига қўйиладиган талаблар**

21. Донни қайта ишлаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнлари қўйидаги хавфларни хавфсиз даражага етказиши таъминлаши керак:

қайта ишлаш маҳсулотларини микотоксинлар, микроорганизмлар, ўлик зааркундалар ёки ташқи қўшимчалар билан ифлосланиши;

зааркундалар билан заарланиши;

минерал, металломагнит аралашмалар ва намлик микдорларининг рухсат этилган меъёрлардан ошиши;

нонда картошка касаллигининг ривожланиши.

22. Мазкур Техник регламентнинг 21-бандида кўрсатилған хавфларни бартараф этиш технологик жараёнлар билан (усуллар, йўллар, методлар билан) амалга оширилади.

23. Дондан нимжон, синган ва зааркундалар билан кемирилган донларни, микотоксинлар билан кўпроқ ифлосланган донларни ажратиш учун сепарациялаш жараёни қўлланади.

24. Донни қайта ишлаш маҳсулотларини микроорганизмлар, бактериялар, моғор билан ифлосланишини бартараф этиш ёки камайтириш тегирмонларда дон сиртига қуруқ ва сувли йўл билан ишлов бериш, ёрма заводларида эса, оқлаш ва силлиқлаш жараёнлари билан амалга оширилади.

25. Буғдой унининг нонда “картошка касаллиги”ни қўзғатувчи спорали бактериялар билан ифлосланишини бартараф этиш, энг мақбул ҳарорат ва намлик режимларини (донга гидротермик ишлов бериш усулларини) таъминлаш ҳисобига амалга оширилиши керак.

26. Донни қайта ишлаш маҳсулотларига минерал аралашма тушиб қолишини истисно этиш учун, уни дондан ажратиш сепарациялаш ва ювиш машиналарида ишлов бериш жараёнларида амалга оширилади.

27. Қайта ишлаш маҳсулотларига металломагнит аралашманинг тушиб қолишини бартараф этиш магнитли сепарациялаш жараёни билан таъминланиши керак. Магнит қурилмалари донни қабул қилишда, қайта ишлаш маҳсулотларининг назоратида, уриб-майдаловчи жиҳоздан олдин ўрнатилади.

28. Заарарли аралашмаларга кирадиган ёввойи ўт уругларини ажратиш сепарациялаш усуллари (триерларда тозалаш, аспирациялаш ва бошқалар) билан амалга оширилиши керак.

29. Қайта ишлаш маҳсулотларининг талаб этилган намлиги донни қайта ишлашга тайёрлаш жараёнида намлаш ва тиндириш йўллари билан таъминланади.

30. Санитария ишлови, газация, дегазация, дезинфекция, дератизация ва дезинсекция Соғлиқни сақлаш вазирлиги рухсат этган воситалар билан, маҳсулотнинг ифлосланиш хавфини истисно этиш учун етарлича даврийликда ўтказилиши керак. Ишлаб чиқариш цехларининг санитария ишловини ўтказиш даврийлиги ишлаб чиқарувчи томонидан, ишлаб чиқариш назорати тизими доирасида ўрнатилади.

### **3-§. Сақлашда хавфсизлик талаблари**

31. Донни қайта ишлаш маҳсулотларини сақлаш - мазкур Техник регламент талабларига мувофиқ маҳсулотнинг хавфсизлиги ва истеъмол хоссаларининг сақланишини таъминлайдиган, маҳсус ажратилган омборларда ёки сифимларда, силосларда, идишларда ёки идишсиз усулларда амалга оширилиши керак.

32. Ун-ёрма маҳсулотларини сақлаш учун омборхоналар ва сифимлар: қуруқ, бегона ҳидларсиз, атмосфера ва ер ости сувларининг киришидан изоляцияланган, ҳашаротлар, кемирувчилар ва қушларнинг киришидан ҳимоя қилинган бўлиши керак.

33. Донни қайта ишлаш маҳсулотларини сақлаш шароитлари қуйидаги хавфларни истисно этилишини таъминлаши керак: зааркунандалар билан заарланиш, ўлик зааркунандалар ва зааркунандаларнинг ҳаёт маҳсулотлари билан ифлосланиш, намликнинг масса улуши миқдорининг меъёрдан ошиши, ўз-ўзидан қизиб кетишига йўл қўймаслик, донни қайта ишлаш маҳсулотларига хос бўлмаган ҳид ва таъмнинг пайдо бўлиши.

34. Донни қайта ишлаш маҳсулотларининг нонда “картошка касаллиги”ни кўзғатувчи спорали бактериялар билан ифлосланишини бартараф этиш, энг мақбул ҳарорат ва намлик режимларида сақлаш ва ишлаб чиқариш назоратига риоя қилиш ҳисобига амалга оширилади.

35. Донни қайта ишлаш маҳсулотларини сақлаш биноларида мунтазам равища механик тозалаш, зарур бўлганда заарсизлантириш бўйича чора-тадбирлар ўтказилиши керак.

36. Ишлаб чиқарувчи заарсизлантириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқариш назорати дастурига киритиши керак.

37. Маҳсулотни омборларга жойлаштириш, уни ишлаб чиқарилган санаси, тури, нави, рақами ёки маркасини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

38. Ун, ёрма ва парчаларни дон, чиқинди, кепак, омихта ем, зааркунандалар билан заарланган маҳсулот, идиш, жиҳоз ва материаллар билан бирга жойлаштириш ман этилади.

39. Санитария ишлови, газация, дегазация, дезинфекция, дератизация ва дезинсекция Соғлиқни сақлаш вазирлиги рухсат этган воситалар билан маҳсулотларнинг ифлосланиш хавфини истисно этиш учун етарлича даврийликда ўтказилиши керак. Омборхоналарнинг (цехларнинг) санитария ишловини ўтказиш даврийлиги ишлаб чиқарувчи томонидан, ишлаб чиқариш назорати тизими доирасида ўрнатилади.

#### **4-§. Донни қайта ишлаш маҳсулотларини ташишга қўйиладиган талаблар**

40. Донни қайта ишлаш маҳсулотларини ташиш уларнинг хавфсизлиги ва яхши сақланишини таъминлайдиган транспорт воситаларида амалга оширилиши керак.

41. Транспорт воситаларининг юк бўлимлари ва контейнерлар донни қайта ишлаш маҳсулотларининг ифлосланиш манбай бўлмаслиги керак, уларнинг конструкцияси эса донни қайта ишлаш маҳсулотларини ифлосланишдан ҳимоя қилишни таъминлаши, донни қайта ишлаш маҳсулотларини тўкилишига, ҳайвонлар, шу жумладан кемирувчилар ва ҳашаротлар киришига тўсқинлик килиши керак, шунингдек, уларни тозалаш, ювиш, дезинфекциялаш, дезинсекция ва дератизациясини ўтказишга имкон бериши керак.

42. Донни қайта ишлаш маҳсулотларини турғун (бегона) ҳидга эга бўлган ва унинг қадоғи сиртини ифлослантирувчи юклар билан бирга ташишга рухсат этилмайди.

#### **5-§. Донни қайта ишлаш маҳсулотларини реализация қилишда хавфсизлик талаблари**

43. Донни қайта ишлаш маҳсулотларининг ҳар бир тўпи, уни реализация қилишда мазкур Техник регламент талабларига мувофиқликни тасдиқлаш тўғрисидаги маълумотга эга бўлган кузатувчи хужжатлар билан юборилиши керак.

44. Ишлаб чиқарувчи донни қайта ишлаш маҳсулотларининг хавфсизлигига - уларга ўрнатилган яроқлилик муддатлари давомида, улар учун кўрсатилган сақлаш, транспортда ташиш, реализация қилиш ва қўллаш шароитларига риоя қилинганда жавоб беради.

45. Донни қайта ишлаш маҳсулотларини қуйидаги ҳолатларда реализация қилишга йўл қўйилмайди:

донни қайта ишлаш маҳсулотларининг мазкур Техник регламент талабларига номувофиқ бўлганда;

уларни идентификациялашнинг иложи бўлмаганда;

ишлаб чиқарувчida донни қайта ишлаш маҳсулотларининг келиб чиқишини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлмаганда ва улар учун мазкур Техник регламент талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш тўғрисидаги маълумотлар бўлмаганда;

яроқлилик муддатига риоя қилинмаслиги: унинг ўрнатилмаганлиги ёки ўтиб кетганлиги;

мазкур Техник регламентда кўзда тутилган маълумотлардан ташкил топган тамғанинг йўқлиги ёки уларга тегишли бундай маълумотларнинг йўқлиги.

46. Муомалада бўлган донни қайта ишлаш маҳсулотларининг мазкур Техник регламент талабларига номувофиқлиги аниқланганда, улар донни қайта ишлаш маҳсулотларининг эгаси томонидан муомаладан чиқарилиши, кейинчалик мазкур Техник регламентнинг 6-параграфи талабларига мувофиқ қайтарилиши ёки утилизация қилиниши керак.

#### **6-§. Донни қайта ишлаш маҳсулотларини қайтариш ва утилизация қилиш жараёнинга қўйиладиган талаблар**

47. Мазкур Техник регламент талабларига номувофиқ бўлган донни қайта ишлаш маҳсулотлари Ўзбекистон Республикасининг “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги қонунида белгиланган озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат бошқарувини амалга оширувчи давлат назорат

органларининг (кейинчалик давлат назорат органлари) қарори бўйича қайтарилиши ёки утилизация қилиниши лозим.

48. Донни қайта ишлаш маҳсулотларини қайтарилиши ёки утилизация қилиниши тўғрисидаги қарор қабул қилингунга қадар, уларни алоҳида, миқдорини кўрсатган ҳолда ва донни қайта ишлаш маҳсулотларига киришни истисно этувчи шароитларга риоя қилинган ҳолда сақлаш лозим.

49. Донни қайта ишлаш маҳсулотларини қайтариш ёки утилизация қилиш усуллари ва шартлари унинг эгаси ва тегишли давлат назорат органлари билан ўзаро келишилади.

50. Донни қайта ишлаш маҳсулотларини утилизация қилиш, унинг эгаси томонидан ёки шартнома бўйича унинг эгаси бу ишларни бажаришни топширган ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

51. Донни қайта ишлаш маҳсулотларини утилизация қилиш жойлардаги давлат ҳокимият идоралари, давлат назорати органлари, солиқ органлари ва жамоатчилик вакилларидан ташкил топган комиссия иштирокида, кейинчалик донни қайта ишлаш маҳсулотларини утилизация қилинганлик фактини тасдиқловчи ҳужжатларни расмийлаштириш билан амалга оширилади.

52. Донни қайта ишлаш маҳсулотларининг эгаси давлат назорат органларига доннинг утилизация қилинганлик фактини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этади.

#### **IV боб. Донни қайта ишлаш маҳсулотларини тамғалаш ва қадоқлаш, намуналарни танлаб олиш ва уларнинг синовларини ўтказишга қўйиладиган талаблар**

##### **1-§. Тамғалаш ва қадоқлашга қўйиладиган талаблар**

53. Донни қайта ишлаш маҳсулотлари истеъмол қадогида, транспорт қадогида ва идишсиз усулда (ун) ташилади.

54. Донни қайта ишлаш маҳсулотларининг тамғаси “Озиқ-овқат маҳсулотларини тамғалаш юзасидан унинг хавфсизлиги тўғрисида”ги Умумий техник регламент ва мазкур Техник регламент талабларига мувофиқ бўлиши керак.

55. Донни қайта ишлаш маҳсулотларининг ҳар бир қадоғига босилган тамғада маҳсулотни тавсифловчи қуидаги мажбурий маълумот кўрсатилиши керак:

маҳсулотнинг номи;

тури, нави, раками, маркаси (мавжуд бўлганда);

ишлаб чиқарувчининг номи ва жойлашган жойи (юридик манзили ва келиб чиқиш мамлакати);

товар белгиси (мавжуд бўлганда);

нетто массаси (g, kg);

ишлаб чиқарилган сана ва қадоқланган смена рақами (мавжуд бўлганда);

яроқлилик муддати;

сақлаш шароитлари (“куруқ жойда сақлансин” сўzlари);

маҳсулотни тайёрлаш ва истеъмол қилиш бўйича тавсиялар (барча турдаги ёрма ва парчалар учун);

маҳсулотнинг озиқавий қиймати;

маҳсулотни ишлаб чиқаришга асос бўлган ва идентификациялаш талаблари ўрнатилган техник регламентнинг белгиланиши;

мувофиқликни тасдиқлаш тўғрисида маълумот.

56. Витамин ва/ёки минерал моддаларни қўшиб ишлаб чиқарилган уннинг номига қўшимча қилиб, мос равища “витаминлаштирилган”, “минерал моддалар билан бойитилган”, “витамин-минерал аралашма билан бойитилган” сўзлари қўшилади. Бундай ҳолда тамғадаги озиқавий қиймати тўғрисидаги маълумот қисмига, қўшилган витаминалар ва минерал моддаларнинг 100 г маҳсулотдаги миқдори ҳақидаги маълумот қўшимча қилинади.

57. Куруқ клейковина ёки новвойлик яхшилагичларини қўшиб ишлаб чиқарилган ун учун, уннинг номига мос равища “куруқ клейковина билан бойитилган”, “новвойлик яхшилагичини (яхшилагичларини) қўллаб ишлаб чиқарилган” сўзлари қўшилади.

58. Донни қайта ишлаш маҳсулотларининг ҳар бир транспорт қадоғи бирлигига босилган тамғасида қўйидаги маълумотлар бўлиши керак:

маҳсулотнинг номи;

тури, нави, рақами, маркаси (мавжуд бўлганда);

ишлаб чиқарувчининг номи ва жойлашган жойи (юридик манзили ва келиб чиқиш мамлакати);

товар белгиси (мавжуд бўлганда);

нетто массаси (kg);

ишлаб чиқарилган сана ва қадоқланган смена рақами (мавжуд бўлганда);

қадоқ бирликларининг сони (дона) (гурухли қадоқлашда ва истеъмол қадоқларини транспорт қадоқларига жойлаштиришда);

яроқлилик муддати;

сақлаш шароитлари (“куруқ жойда сақлансин” сўзлари);

маҳсулотни ишлаб чиқаришга асос бўлган ва идентификациялаш талаблари ўрнатилган техник регламентнинг белгиланиши;

мувофиқликни тасдиқлаш тўғрисида маълумот.

59. Истеъмол қадоқларини транспорт қадоқларига жойлаштиришда ва гурухли қадоқлашдан фойдаланишда транспорт ва гурухли қадоқлар тамғасига ишлаб чиқарилган сана ёки қадоқланган сана ёзилмайди.

Иссиқлик таъсирида қисқарувчи плёнкага ўралган гурухли қадоқقا транспорт тамғаси босилмайди.

60. Ишлаб чиқарувчидан истеъмолчи ҳисобланадиган озиқ-овқат саноати корхонасига сочма ҳолда, маҳсус транспорт воситаларида (автомуковозларда ва вагонмуковозларда) ташиладиган ун товар-кузатувчи ҳужжатлар билан қўшиб юборилиши керак ва унда қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

маҳсулотнинг номи, тури, нави;

ишлаб чиқарувчининг номи ва жойлашган жойи (юридик манзили ва келиб чиқиш мамлакати);

маҳсулот миқдори, масса бирлигига;

ишлаб чиқарилган сана;

мувофиқликни тасдиқлаш тўғрисида маълумот.

61. Яроқлилик муддати маҳсулот ишлаб чиқарилган санадан бошлаб ҳисобланади. Яроқлилик муддати ва сақлаш шароитлари донни қайта ишлаш маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилари томонидан ўрнатилади. Донни қайта ишлаш маҳсулотларининг яроқлилик муддатини тамғада кўрсатиш “...гача яроқли“ сўзларидан фойдаланиб, кун, ой, йилни кўрсатган ҳолда амалга оширилади.

Юкоридаги "...гача яроқли" сўзлари қуйидаги: "яроқлилик муддати", "...гача истеъмол қилинсин" сўзлари билан ёки маъноси бўйича бир хил бўлган сўзлар билан алмаштирилиши мумкин.

62. Бевосита транспорт (гурухли) қадоғига жойлаштирилган донни қайта ишлаш маҳсулотларининг тамғаси транспорт (гурухли) қадоғига ва (ёки) этикеткага (контрэтикеткага, қўшимча вараққа, ёрликқа) босилади.

63. Истеъмолчи қадоқларига жойлаштирилган донни қайта ишлаш маҳсулотларининг тамғаси истемолчи қадоғига ва (ёки) этикеткага контрэтикеткага, қўшимча вараққа, ёрликқа) босилиши керак.

64. Тамға давлат тилида ёзилиши керак. Тамғани бошқа тилларда такрорлашга рухсат этилади.

65. Тамғада ишлаб чиқарувчининг расмий рўйхатга олинган номи ва жойлашган жойини (манзили, мамлакат номини ҳам қўшиб) кўрсатиш лозим. Ишлаб чиқарувчининг манзили мос келмаганда, истеъмолчиларнинг (харидорларнинг) шикоятларини қабул қилиш учун ишлаб чиқарувчининг ҳамда ваколатли шахснинг (мавжуд бўлганда) манзили кўрсатилади.

66. Бошқа мамлакатлардан етказиб берилаётган донни қайта ишлаш маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхонанинг жойлашган жойининг номи тўғрисидаги маълумотни лотин алифбоси ҳарфларида ва араб рақамларида ёки донни қайта ишлаш маҳсулотларининг ишлаб чиқарувчиси жойлашган жойи тилида ёзишга, уни давлат (ўзбек) тилида ҳам кўрсатиш шарти билан рухсат этилади.

67. Агар донни қайта ишлаш маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиси бир вақтнинг ўзида қадоқловчи, экспорт қилувчи, импорт қилувчи, дистрибьютор ҳам бўлмаса, у ҳолда ишлаб чиқарувчи ва унинг жойлашган жойидан ташқари, қадоқловчи, экспорт қилувчи, импорт қилувчи, дистрибьютор ва уларнинг жойлари кўрсатилиши керак.

68. Донни қайта ишлаш маҳсулотлари билан контактда бўладиган маълумотларни ёзиш воситалари уларнинг хавфсизлигига таъсир кўрсатмаслиги, маҳсулотни сақлаш, транспортда ташиш ва реализация қилишда тамғанинг чидамлилигини таъминлаши керак.

69. Тамғани ёзиш усуллари, унинг яхши сақланиши ва узоқ муддатга чидамлилигини таъминлаши, ёзуви – тушунарли (аниқ), осон ўқиладиган, ҳаққоний бўлиши ва истеъмолчиларни чалғитмаслиги керак, ёзувлар, белгилар, рамзлар тамға босилган фондан кескин фарқ қиласиган бўлиши керак.

70. Қадоқ "Озиқ-овқат маҳсулотига тегиб турадиган қадоқнинг хавфсизлиги тўғрисида"ги Умумий техник регламент талабларига мувофиқ бўлиши ва донни қайта ишлаш маҳсулотларини транспортда ташиш ва сақлашда уларнинг яхши сақланишини таъминлаши керак.

71. Қадоқ шундай лойиҳаланган ва тайёрланган бўлиши керакки, уни мўлжалланиши бўйича қўлланилганда, унинг конструкцияси ва ишланган материаллари бўйича хавфнинг минималлашиши таъминланиши керак.

72. Донни қайта ишлаш маҳсулотлари, улар билан муомала қилишнинг барча босқичларида маҳсулотнинг гигиена, озиқавий, технологик ва органолептик хоссаларини сақлаб қоладиган қадоқларга қадоқланиши керак.

Қадоқлар мустаҳкам, тоза, қуруқ, зааркунандалар билан заарланмаган ва донни қайта ишлаш маҳсулотларига токсик моддалар, бегона ҳидларнинг киришига йўл қўймайдиган бўлиши керак.

73. Қадоқ давлат санитария назорати органлари томонидан қўллаш учун рухсат этилган, донни қайта ишлаш маҳсулотларини транспортда ташиш ва сақлашда сифатли сақланишини таъминлайдиган материаллардан тайёрланган бўлиши керак.

## **2-§. Намуналарни танлаб олиш ва донни қайта ишлаш маҳсулотларининг синовларини ўтказиш**

74. Донни қайта ишлаш маҳсулотларининг мазкур Техник регламент талабларига мувофиқлигини баҳолаш учун зарур бўлган синов усуслари, шу жумладан намуналарни танлаб олиш усуслари техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ аниқланади.

## **V боб. Техник регламентга риоя қилинмаганлик учун жавобгарлик**

75. Мазкур Техник регламентга риоя қилинмаганлик учун айбдор шахслар қонунчилиқда ўрнатилган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

## **VI боб. Давлат назоратини ўтказиш тартиби**

76. Мазкур Техник регламент талабларига риоя қилиниши устидан давлат назорати Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Ўзстандарт” агентлиги, шунингдек бошқа мутасадди давлат органлари томонидан, уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади.

## **VII боб. Ўтиш даври**

77. Мазкур Техник регламент кучга кирган вақтдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси худудида амалда бўлган ва донни қайта ишлаш маҳсулотларининг хавфсизлик талабларини ўрнатувчи техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар, уларни мазкур Техник регламент билан мувофиқликка келтирилгунга қадар, мазкур Техник регламентга зид бўлмаган қисмида қўлланади.

78. Мазкур Техник регламентнинг амалда жорий этилишига қадар, қонунчиликка асосан мувофиқликни тасдиқлаш мажбурий бўлган донни қайта ишлаш маҳсулотларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси сертификатлаштириш миллий тизими томонидан ўрнатилган қоидалар қўлланилади.

79. Донни қайта ишлаш маҳсулотларига санитария-эпидемиология хулосалари ва мувофиқлик сертификатлари, мазкур Техник регламентнинг кучга киришига қадар, ана шу ҳужжатларда ўрнатилган муддат давомида амал қиласидилар.

“Донни қайта ишлаш маҳсулотларининг  
хавфсизлиги тўғрисида”ги  
Махсус техник регламентга  
1 – илова

**Хавфсизлик талаблари ўрнатиладиган донни қайта ишлаш  
маҳсулотларининг рўйхати**

№ т/р	Донни қайта ишлаш маҳсулотларининг номи	Донни қайта ишлаш маҳсулотларининг ассортименти (тури, нави, маркаси, раками)
1	2	3
<b>1.</b>	<b>Ун:</b>	
1.1	юмшоқ буғдойдан, юмшоқ буғдой билан (5% - 20%) қаттиқ буғдой аралашмасидан	Новвойлик буғдой: крупчатка, макарон крупкаси, олий, биринчи, иккинчи, жайдари, Ўзбекистон навлари, витамин- минерал аралашма билан бойитилган олий ва биринчи навли
1.2	макарон махсулотлари учун қаттиқ буғдойдан (дурум)	Макарон уни: олий (крупка), биринчи (яримкрупка) ва иккинчи навли маҳсулотлар учун
1.3	жавдардан	Жавдар уни: эланма, сидирма, жайдари
1.4	маккажўхоридан	Маккажўхори уни: майда ун тортишда, йирик ун тортишда ва жайдари
1.5	арпадан	Арпа уни
1.6	гуручдан	Гуруч уни: биринчи ва иккинчи навли
1.7	сулидан	Сули уни
1.8	горохдан	Горох уни
1.9	маржумакдан	Маржумак уни
<b>2.</b>	<b>Ёрма:</b>	
2.1	юмшоқ буғдойдан навли новвойлик ун тортишда ишлаб чиқариладиган	Манний ёрмаси М Манний ёрмаси МТ маркаси Майда янчилган буғдой ёрмаси Янчилган буғдой ёрмаси
2.2	буғдойдан навли ун тортишда қаттиқ буғдойдан	Манний ёрмаси Т маркали
2.3	юмшоқ буғдойдан	Буғдой ёрмаси (янчилмаган ёрма “Зафар”, янчилган ёрма №1, №2, №3)
2.4	қаттиқ буғдойдан	Буғдой ёрмаси “Артек”, “Полтавская” №1, 2, 3, 4, “Тошкент” №1, №2, №3
2.5	тариқдан	Силлиқланган тариқ: олий, биринчи, иккинчи ва учинчи навлари
2.6	гуручдан	Силлиқланган гуруч: экстра, олий, биринчи, иккинчи ва учинчи навлари Силлиқланган янчилган гуруч
2.7	арпадан	Арпа: перловая №1, 2, 3, 4, 5; ячневая №1, 2, 3 “Нодир”, “Ниҳол”
2.8	маккажўхоридан	Маккажўхори: окланган №1, 2, 3, 4, 5, йирик, майда

1	2	3
2.9	горохдан	Горох: биринчи ва иккинчи навли силлиқланган бутун горох, биринчи ва иккинчи навли силлиқланган ёрилган горох
2.10	маржумакдан	Маржумак: биринчи, иккинчи ва учинчи навли ядрица (ёрма); продел (янчилган); тез пишадиган биринчи, иккинчи ва учинчи навли ядрица ва тез пишадиган продел
2.11	жўхоридан	Жўхори: силлиқланган ядрица, силлиқланган янчилган
2.12	сулидан	Сули: олий, биринчи ва иккинчи навли янчилмаган; олий, биринчи ва иккинчи навли яссилangan, толқон
<b>3</b>	<b>Парчалар:</b>	
3.1	қаттиқ ва юмшок буғдойдан	Буғдой парчалари
3.2	арпадан	Арпа парчалари
3.3	жавдардан	Жавдар парчалари
3.4	сули	Сули парчалари: “Геркулес”, баргсимон ва “Экстра” №1, №2, №3
<b>4.</b>	<b>Кепак</b>	Буғдой, жавдар

“Донни қайта ишлаш маҳсулотларининг  
хавфсизлиги тўғрисида”ги  
Махсус техник регламентга  
2 – илова

**Ундаги токсик элементлар, микотоксинлар, пестициidlар, радионуклиидлар, зааркундалар билан заарланганлик ва ифлосланганлик ва ноннинг “картошка касаллиги”ни қўзғатувчилари билан заарланганликнинг йўл қўйиладиган даражалари**

№ т/р	Маҳсулотлар номи	Кўрсаткичлар	Йўл қўйиладиган даражалари, mg/kg, кўп эмас	Изоҳлар
1	2	3	4	5
1	Буғдой, жавдар, маккажўхори арпа, гуруч, сули, горох, маржумак унлари	Токсик элементлар:		
		кўргошин	0,5	
		маргимуш	0,2	
		кадмий	0,1	
		симоб	0,03	
		Микотоксинлар:		
		афлатоксин В1	0,005	
		дезоксиниваленол	0,7	буғдой
			1,0	арпа
		Т-2 токсин	0,1	
2		зеараленон	0,2	буғдой маккажўхори арпа
		охратоксин А	0,005	буғдой арпа жавдар гуруч сули горох маржумак
		Пестициidlар*:		
		гексахлорциклогексан (альфа-, бетта-, гамма - изомерлар)	0,5	
			0,2	маккажўхори
		ДДТ ва унинг метаболитлари	0,02	
			0,05	горох
		гексахлорбензол	0,01	буғдой
		симоборганик пестициidlар	йўл қўйилмайди	
		2,4-Д кислота, унинг тузлари, эфирлари	йўл қўйилмайди	

1	2	3	4	5
4	Радионуклидлар: цезий-137 Bq/kg стронций-90 ** Bq/kg  Ноннинг “картошка касаллиги”ни кўзғатувчилари билан заарланганлик  Зааркунандалар билан заарланганлик  Зааркунандалар билан ифлосланганлик	Радионуклидлар:		
		цезий-137 Bq/kg	60	
		стронций-90 ** Bq/kg	11	
5		Ноннинг “картошка касаллиги”ни кўзғатувчилари билан заарланганлик	йўл қўйилмайди	ноннинг буғдой навларини пишириш учун фойдаланиладиган буғдой уни учун (лаборатория-синов усулида нон ёпишдан 36 соат ўтгандан сўнг)
6		Зааркунандалар билан заарланганлик	йўл қўйилмайди	
7		Зааркунандалар билан ифлосланганлик	йўл қўйилмайди	

\* - донни етиштириш вақтида ишлатилган пестицидларнинг ҳам қолдиқ микдорлари назорат қилиниши керак;

\*\*- стронций-90 микдорининг назорати ишлаб чиқарувчи (етказиб берувчи, импорт қилувчи) ва (ёки) донни қайта ишлаш маҳсулотларини радиация ҳолати бўйича номақбул худудлардан келтирилган ҳолларда, ваколатли давлат текшируви (назорати) органлари томонидан ўтказилади.

“Донни қайта ишлаш маҳсулотларининг  
хавфсизлиги түғрисида”ги  
Махсус техник регламентга  
3 – илова

**Ёрма ва парчалардаги токсик элементлар, микотоксинлар, пестицидлар,  
радионуклиидлар, зааркунандалар билан заарланганлик ва ифлосланганликнинг  
йўл қўйиладиган даражалари**

№ т/р	Маҳсулотлар номи	Кўрсаткичлар	Йўл қўйиладиган даражалари, mg/kg, кўп эмас	Изоҳлар
1	2	3	4	5
1	Ёрма: манний, гуруч, арпа, жўхори, буғдой, майда ячилган буғдой, янчилган буғдой крупкаси, тариқ, горох, маржумак, маккажўхори сули, буғдой крупкаси. Парчалар: арпа, буғдой, жавдар, сули. Сули толқони	Токсик элементлар:		
		қўрғошин	0,5	
		маргимуш	0,2	
		кадмий	0,1	
		симоб	0,03	
2	Микотоксинлар: афлатоксин В1 дезоксиниваленол T-2 токсин зеараленон охратоксин А	Микотоксинлар:		
		афлатоксин В1	0,005	
		дезоксиниваленол	0,7	буғдой
			1,0	арпа
		T-2 токсин	0,1	
		зеараленон	0,2	буғдой маккажўхори арпа
		охратоксин А	0,005	буғдой арпа жавдар гуруч сули
3	Пестицидлар*: -гексахлорциклогексан (альфа-, бетта-, гамма - изомерлар) -ДДТ ва унинг метабо- литлари -гексахлорбензол симборганик пестицидлар 2,4-Д кислота, унинг тузлари, эфирлари	Пестицидлар*:		
		-гексахлорциклогексан (альфа-, бетта-, гамма - изомерлар)	0,5	
			0,2	маккажўхори
		-ДДТ ва унинг метабо- литлари	0,02	
			0,05	горох
		-гексахлорбензол	0,01	буғдой
		симборганик пестицидлар	йўл қўйилмайди	
		2,4-Д кислота, унинг тузлари, эфирлари	йўл қўйилмайди	

1	2	3	4	5
4		Радионуклидлар:		
		цезий-137 Bq/kg	60	
		стронций-90** Bq/kg	11	
5		Зааркунандалар билан заарланганлик	йўл қўйилмайди	парчалар
6		Зааркунандалар билан заарланганлик ва ифлосланганлик	йўл қўйилмайди	ёрма

\* донни етиштириш вақтида ишлатилган пестицидларнинг ҳам қолдиқ миқдорлари назорат қилиниши керак;

\*\* - стронций-90 миқдорининг назорати ишлаб чиқарувчи (етказиб берувчи, импорт қилувчи) ва (ёки) донни қайта ишлаш маҳсулотларини радиация ҳолати бўйича номақбул худудлардан келтириш ҳолларида ваколатли давлат текшируви (назорати) органлари томонидан ўтказилади.

“Донни қайта ишлаш маҳсулотларининг  
хавфсизлиги тўғрисида”ги  
Махсус техник регламентга  
4 – илова

**Кепакдаги токсик элементлар, микотоксинлар, пестицидлар,  
зааркунандалар билан зааррланганлик ва ифлосланганлик, микробиологик  
кўрсаткичларнинг йўл қўйиладиган даражалари**

№ т/р	Маҳсулотлар номи	Кўрсаткичлар	Йўл қўйиладиган даражалари, mg/kg, кўп эмас	Изоҳлар
1	Кепак	Токсик элементлар:		
		қўрғошин	1,0	
		маргимуш	0,2	
		кадмий	0,1	
		симоб	0,03	
2		Микотоксинлар:		
		афлатоксин В1	0,005	
		дезоксиваленол	0,7	буғдой
		зеараленон	1,0	буғдой
		охратоксин А	0,005	
3		Пестицидлар*:		
		ГХЦГ( $\alpha$ , $\beta$ , $\gamma$ - изомерлар)	0,5	
		ДДТ ва унинг метаболитлари	0,02	
4		Дон заҳиралари зааркунандалари билан ифлосланганлик ва зааррланганлик (ҳашаротлар ва каналар)	йўл қўйилмайди	
5		Микробиологик кўрсаткичлар:		
		КМАФАнМ**, КОЕ/***, кўп эмас	$5 \times 10^4$	
		БГКП (колиформы) *****, 0,1g да	йўл қўйилмайди	
		патогенлар, шу жумладан салмонеллалар 25g да	йўл қўйилмайди	
		моғор, КОЕ/g, кўп эмас	100 термик ишлов билан	

\* донни етишириш вақтида ишлатилган пестицидларнинг ҳам қолдиқ микдорлари назорат қилиниши керак

\*\* КМАФАнМ – мезофил аэроб ва факультатив-анаэроб микроорганизмлар микдори.

\*\*\* КОЕ – колония ҳосил қилувчи бирликлар сони.

\*\*\*\* БГКП (колиформалар) – ичак таёқчалари бактериялари гуруҳи

“Донни қайта ишлаш маҳсулотларининг  
хавфсизлиги түғрисида”ги  
Махсус техник регламентга  
5 – илова

**Ун ва кепакдаги намлик, металломагнит ва минерал аралашмалар  
микдорларининг йўл қўйиладиган даражалари**

№ т/р	Маҳсулотлар номи	Кўрсаткичлар	Йўл қўйиладиган даражалари
1	Буғдой, жавдар, маккажўхори, арпа, гуруч, сули, горох, маржумак уни. Кепак	Намлик, %, кўп эмас	15,0
2		1 kg ундаги металломагнит аралашма, айрим заррачаларнинг чизиқли ўлчамлари 0,3 mm дан ортиқ бўлмагани ва (ёки) массаси 0,4 mg дан ортиқ бўлмагани, mg дан кўп эмас	3,0
		1 kg кепакдаги металломагнит аралашма, mg дан кўп эмас, ўлчамлари 2 mm гача заррачалар, шу жумладан: ўлчамлари 0,5 дан 2 mm гача зарра- чалар ўлчамлари 2 mm дан кўп ва ўткир учли ва қиррали заррачалар,	5,0 1,5
3		Минерал аралашма мавжудлиги	йўл қўйилмайди унни чайнаганда ғижирлаш сезилмаслиги керак

“Донни қайта ишлаш маҳсулотларининг  
хавфсизлиги түғрисида”ги  
Махсус техник регламентга  
6 – илова

**Ёрма ва парчалардаги намлик, металломагнит ва минерал аралашмалар  
миқдорларининг йўл қўйиладиган даражалари**

№ т/р	Маҳсулотлар номи	Кўрсаткичлар	Йўл қўйиладиган даражалари
1	2	3	4
1	Янчилган буғдой крупкаси	Намлик, %, кўп эмас	16,0
	Ёрма: гуруч, маний		15,5
	Ёрма: арпа, горох, майдан янчилган буғдой ёрмаси		15,0
	Ёрма: маржумак, буғдой, тарик, маккажӯхори ёрмаси		14,0
	Жўхори ёрмаси, қаттиқ буғдойдан буғдой парчалари, жавдар парчалари		13,5
	Арпа парчалари, юмшоқ буғдойдан буғдой парчалари		13,0
	Сули парчалари “Экстра” №1		12,5
	Сули парчалари “Экстра” №2 ва №3, “Геркулес” ва баргсимон		12,0
	Сули ёрмаси		12,5
	Юмшоқ буғдойдан буғдой ёрмаси		12,0
	Сули толқони		10,0
2	Ёрма: маний, гуруч, арпа, жўхори, буғдой, тарик, горох, маржумак, маккажӯхори, сули, майдан янчилган буғдой, янчилган буғдой крупкаси. Парчалар: арпа, буғдой, жавдар, сули. Сули толқони	1 kg ундаги металломагнит аралашма, айрим заррачаларининг чизиқли ўлчамлари 0,3 mm дан ортиқ бўлмагани ва (ёки) массаси 0,4 mg дан ортиқ бўлмагани, mg дан кўп эмас	3,0
3	Ёрма : маний, янчилган буғдой крупкаси, сули толқони	Минерал аралашма	Чайнагандаги физирлаш сезилмаслиги керак
4	Ёрма: сули, гуруч (янчилган), арпа («Ниҳол»)	Минерал аралашма, %, кўп эмас	0,10
	Ёрма: гуруч, арпа, жўхори, буғдой, тарик, горох, маржумак, маккажӯхори		0,05
	Жавдар парчалари		0,04
	Парчалар: буғдой, арпа, сули		0,03

1	2	3	4
5	<p>Буғдой ёрмаси: қаттиқ буғдойдан, юмшоқ буғдойдан, юмшоқ буғдойдан майда янчилган.</p> <p>Арпа ёрмаси.</p> <p>Парчалар: буғдой, жавдар, арпа</p>	<p>Зараарлы аралашмалар, %, күп эмас шу жумладан аччикмия ва турли рангли вязел</p>	0,05 0,02
	<p>Ёрма: сули, жүхори.</p> <p>Сули парчалари</p>	<p>Зараарлы аралашмалар, %, күп эмас</p>	0,05
	Маккажүхори ёрмаси		Йўл кўйилмайди

“Донни қайта ишлаш маҳсулотларининг  
хавфсизлиги тўғрисида”ги  
Махсус техник регламентга  
7 – илова

**ВМА билан бойитилган олий ва биринчи навли новвойлик буғдой унида  
микронутриентларнинг миқдори**

Микронутриентларнинг номи	Ундаги миқдорининг меъёри, mg / kg, оралиғида	Изоҳ
	О'з DSt 3221 бўйича унни ВМА билан 1тоннага 200g миқдорда бойитишида	
<b>Минерал моддалар:</b>		ВМА билан бойитилган олий ва биринчи навли новвойлик буғдой унида микронутриентларнинг миқдори темир миқдори даражаси билан аниқланади
Темир	16,0-40,0	
Рух	26,0-50,0	
<b>Витаминалар:</b>		
B <sub>1</sub> (тиамин)	1,3-4,1	
B <sub>2</sub> (рибофлавин)	1,8-5,2	
B <sub>3</sub> (ниацин)	9,9-29,0	
B <sub>9</sub> (фолат)	0,6-1,9	
B <sub>12</sub> (цианокобаламин)	0,002-0,006	

“Донни қайта ишлаш маҳсулотларининг  
хавфсизлиги тўғрисида”ги  
Махсус техник регламентга  
8 – илова

**ГМО миқдори текширилиши лозим бўлган донни қайта ишлаш маҳсулотлари**

Озиқ-овқат хом ашёси	Озиқ –овқат маҳсулотлари
Маккажўхори	Маккажўхоридан ун Маккажўхоридан ёрма
Буғдой	Буғдойдан ун Буғдойдан ёрма Буғдойдан парчалар
Шоли (рис)	Гуручдан ун Гуручдан ёрма